

Ўзбекистон География жамиятининг Тожикистон География жамияти билан ҳамкорлиги

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон географлари кўшни Тожикистон Республикасидаги ҳамкасблари билан сермахсул илмий-ижодий алоқаларга эга. Бу алоқалар энг сўнгги йилларда янги куч билан ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистон География жамиятлари ўртасида 2019 йил октябрь ойида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Тожикистонлик географлар 2019 йилда Ўзбекистон География жамияти томонидан ташкил этилган иккита халқаро илмий-амалий анжуманларда – Ўзбекистон Миллий университетида 2019 йил 13-19 май кунлари бўлиб ўтган “Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи” мавзусидаги халқаро конференция ва Чирчиқ давлат педагогика институтида 2019 йил 11-12 октябрь кунлари бўлиб ўтган “Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари” мавзусидаги халқаро конференцияда фаол иштирок этдилар. Ўз навбатда, ўзбекистонлик географларнинг катта гуруҳи 2019 йил 29-30 ноябрь кунлари Хўжанд давлат университетида бўлиб ўтган “Марказий Осиё сув ресурсларидан фойдаланишнинг гидроиклимий омиллари” мавзусидаги Халқаро илмий-назарий конференцияда ўз маърузалари билан қатнашдилар.



Тожикистон География жамияти Президенти, Тожикистон ФА География бўлими мудир, Ўзбекистон География жамияти фахрий хорижий аъзоси, география фанлари доктори, профессор Холназар Мухаббатов “Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция ялпи мажлисида маъруза қилмоқда (Чирчиқ давлат педагогика институти, 2019 йил 11 октябрь)

Тожикистонлик географлар, хусусан Тожикистон География жамияти Президенти, Тожикистон ФА География бўлими мудир, география фанлари

доктори, профессор Х.М.Мухаббатов, мунтазам равишда “Ўзбекистон
География жамияти ахбороти” илмий журналда ўз мақолаларини чоп
этириб келмоқдалар.